- назорат усууллари (оғзаки, ёзма, педагогик тест утказиш, маълум амалларни бажариш);
- даврийлик ва ўқитиш даври мобайнинда баҳолашларнинг энг кам сони;
- баҳолар мезони;
- ўқитилаётган фан буйича якуний баҳога ўқувчининг айрим баҳоларини бирлаштириш қондалари;
- натижаларни расмийлаштириш қондаси;

- башқа күрсатмалар.

Рейтинг тизимини киритишнинг мақсади ва вазифалари, одатда қуйидаги натижаларга эришиш учун шартшароитлар яратышдан иборат:

- ўқувчилар ва талабалар томонидан давлат таълим стандартлари талабларнинг ўзлаштирилиши;
- билимларни баҳолашнинг ҳолислиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқувчилар ва талабалардаги билиш фаолиятининг фоллашуви, уларда үзишда ютуқларга эришишга интилини шаклланиши, таълимга мусобақа хиссенни киритиш, мустақил ишга мунтазам жалб қилиш;
- ўқишишдаги ютуқлар буйнча ўқувчилар ўрнини аниқлаш билан ўқув фаолияти натижаларнни мувофиқлаштириш, уларни ўқишишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш;
- ўқитиш натижаларининг таққосланншини таъминлаш;
- башқа масалалар..

Ўқувчилар ва талабалар билимларини баҳолашнинг илфор рейтинг тизими қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- мос узлуксиз таълим босқичининг ўзига хослигини инобатта олиши;
- ўқув фанининг алоҳида қисмларини эмас, балки ялпн назоратини амалга ошириши;
- ўқувчиларни уларнинг ўқишишдаги ютуқлари буйнча яхшироқ табақалаш мақсадида баҳоларнчиг кўп йилни мезони қўлланилиши;
- педагог томонидан қўйиладиган бирламчи баҳо мурракаб математик ҳисоблашлар билан боғлиқ бўлмаслиги

- (ўқув вақтининг сарфлакишини талаб этадиган). У педагог томонидән ўқув муассасида (идорасида) олдиндан ишлаб чиқилган мезонлар асосида қўйилади;
- ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва педагоглар учун тушунарли бўлиши (мактабдаги синф журналида ёки академик лицей, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртининг ўқув груҳи журналида берилган йўриқнома асосида). Якуний рейтинг балларини ҳисоблаш ва қайта ҳисоблаш иложи борича соддалаштирилган бўлиши;
- ҳар бир ўқув юртининг услубий идораси маъмурният кўрсатмалари асосида ёки ўзининг қарорига биноан на-тижалари якуний рейтинг баҳолашга кирадиган, ўқитиш давридаги барча предметлар (фанлар) бўйича оғзаки, ёзма ва тест назоратларининг энг зарур мажбурий сонини ўрнатади;
- турли ўқув муассасаларининг рейтинг тизимлари уз-луксиз таълим ёки унинг маълум босқичлари чегарасида ўқитиш натижаларининг таққосланиш имконини таъминлаши.

1999 йил март ойи ҳолати бўйича умумий, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида бир-биридан фарқ қилиладиган рейтинг тизимлари ишлатилган, шунинг учун республика миқёсида уларни мувофиқлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

3.7 ЎЗЛАШТИРИШНИНГ МАҲСУЛДОР ВА ИЗЛАНУВ-ЧАН ДАРАЖАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Хорижий тадқиқотларда ўқувчиларнинг шакллантирувчи фаолиятини репродуктив ўзлаштиришдан ташқарига олиб чиқишига ҳаракат қилинмоқда. Америкалик психологлар Р.Генғе ва Л.Бриггслар (1979) аниқ ўқув мақсадларига эришишига йўналтирилган ва шу билан бирга маҳсулдор тафаккур даражаларига эришишини рағбатлантирувчи унсур (элемент) ларни ўз ичига олган қўйидаги дарс қурилмасини структурасини таклиф қилишди:

- ўқувчиларнинг диққат -эътиборини ташкил қилиш;
- уларни дарс мақсадларидан хабардор қилиш;
- зарурый билимларни ёдда олиб қолиш ва маҳоратларини рағбатлантириш;
- маълум хатти-ҳаракатга ундовчи ўқув мавзусини тақдим қилиш;
- ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатини рағбатлантириш;
- таъсирга жавобан акс алоқани таъминлаш;
- фикрлаш фаолиятига раҳбарлик қилиш, одниган билимлар ва маҳоратнинг мустаҳкам бўлишини рағбатлантириш;
- ўқувчилар хатти-ҳаракатини баҳозлаш.

Инглиз олимни *A.Ромнишевски* кўйилаги (вариант) ишлаб чиқди:

- зарур билимлардан хабардор инши;
- эсда қолганларни тиклаш даражасини маҳоратни шаклантириш;
- фаолиятни номойниш этиш-ухуман ва тарқибни унсурлар буйича (буни "номойниш этиш-ухуман ва тарқибни унсурлар буйича")

- да қўшиб олиб бориш мумкин);
- соддалаштирилган шаронтларда маҳоратни ошириш (вазифани сунъий соддалаштириш, уни бўлакларга бўлиш);
- мустақил амалиётни ва узлуксиз акс алоқани таъминлаш ҳамда ўқувчининг ижобий натижаларини ўқитувчи томонидан рағбатлантириш;
- маҳсулдор, изланувчан даврга ўтиш;
- ҳар хил муаммоли ҳолатларни ташкил этиш-ноанъанавий, янги, ўзинга хос масалаларни ечиш борлиқни ўхшатма моделга солиш;
- ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини ўзлари мажбурий тарзда таҳлил қилишлари, шу жумладан, ўқитувчи (гурух) билан.

Чет эл педагогика фанида Дж. Керролл ва Б.Блумларнинг ғоялари асосида мактабга ҳамда жамоа-яккахол ўқитиш тизимиға мўлжалланған тўлиқ ўзлаштириш технологияси ишлаб чиқилган.

Америкалик психолог Ф.С.Келлер олий ўқув юртлари учун педагогик технологияларнинг шахсийлаштирилган ўқитиш гизимини таклиф қилди.

Ф.С.Келлер режасининг ўзига хос хусусиятлари:

- ўқув мавзусининг мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга йуналтирилган, аввалги бўлимга қўйилган талабларни ўзлаштиришни кейинги бўлимга ўтишнинг бевосита шарти деб қаралади;
- ўқувчиларнинг ўз ўзлаштириш суръатига мос равишда якка ҳол ишлашлари;
- маърузалардан фақат ўқувчиларнинг ундаш ва умумий йўналтирилиш мақсадларидағина фойдаланиш;
- чоп этилган ўқув қўлланмаларини ишлатиш-ўқув ахборотини баён қилиншиига раҳбарлик;

• ўқув мавзуларининг ўзлаштирилишини жалб қилинган аспирантлар ёки мавзуни аъло ўзлаштирган талабалар ("прокторлар") ёрдамида жорий баҳоланиши.

Фан ўқитувчи томонидан мавзу қатор бўлимларига (модулларга) ажратилади, қондага кўра улар 15-20 та бўлаклардан ташкил топиб, энг оддий ҳолларда дарсликнинг бобларига мос тушиши мумкин.

Ҳар бир таълим олувчи ўқув қўлланмаси шахлида на- чил йўл-йўриқ олади (ҳар қайси ўрганилаётган боб юзаси- дан), у ерда булимнинг мақсадлари кўрсатилади. Ўқув ишла- рининг маълум турлари тавсия қилинади, ўз-ўзини текши- ришлар ва назорат саволлари рўйхати келтирилади. Ўқувчи- ларга ўқув фаолиятининг турлари ва ишлаш тартибини эр- кин танлашлари имкони берилади. ўзлаштирилган бобу- булимни топтиришдан аввал ҳар бир ўқувчи "проктор" то- монидан текширилиб чиқилади, "проктор" бўлимнинг ўзлаштирилишини ўқитувчи тарафидан аввалдан аниқ бел- гиланган талабларга мос ҳолда (мавзунинг тўлиқ ёки иоту- лиқ ўзлаштирилишига қараб "утди", "утмади" хилида) баҳо- ланади. қониқарсиз баҳо олинганида "проктор" ўқувчиларга қўшимча мавзуни ўзлаштирилиши юзасидан тавсиялар бе- ради. Синовдан ўтиш кейинги бўлимга ўтишга рухсат ва мос бўлимга қатнашишга рухсат бўлиб хизмат қиласди. Маърузалар сони кўп бўлмайди (бир семестрда олтита), уларга қатнашиш ихтнёрий.

Келлернинг режаси АҚШ олий ўқув юртларида Келл- тарқалди, у ерда ҳам табиий-илемий ҳамда гуманитар- ижтимоий фанлар ўқитилади.

70-йиллар ва 80-йилларнинг ўрталарида ўтказилган тажриба Келлер режаси асосида ўқитишнинг инъанавий ўқитишга нисбатан самарадор эканлигини тасдиқлади.

Муаммоли-излзнувчан технологик ёндзшууда ўқув
риодияти учун ўзгача мүхит ҳосил қилинади, унда талаба
шахсий кашфиёт, қонуният очиш йўли билан борлик ҳақида
бўйы олади. Бундай шароитдаги ўқув жараёни "КАШФИЁТ
ОРҚАЛИ ЎҚИТИШ" деб номланади.

Ўқув жараёнини ташкил этишининг технологик усул-
лари:

- талабалар учун аҳамиятли бўлган қизиқ муаммони ўртага
таулаш;
- кўрилаётган вазиятда (нарсада)ги қарама-қаршиликни
бўртириб, талаба онгига қўйиш (улар қарама-қаршиликни
уз муаммоси сифатида қабул қилсин);
- ушбу муаммодан келиб чиқиб ижодий масалани шакллан-
тириш.

Педагог ва талабаларнинг ҳамкорлигида нафақат ўзи
учун янги ғилимлар ўзлаштирилади, балки бунда талаба
ўзгача кашфиётлар қиласи Бундай фаолият талаба учун
алоҳида шахсий қадриятга эга ва шу сабабли унинг ўрганиш
иштнёқини оғтиради.

Фаолиятли билим олишни ривожлантиришнинг яна
бир оқими "МАТНЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДИР"
Бунинг мазмунни шуки, талаба ўқув матндан борлик ва
ўғмишни узатиш воситаси қонуниятига мос равишда фойда-
ланади.

Турли шаклдаги ўқув фаолияти натижасида талабада
касб кўнникмалари ривожланади ва у шахс сифатида камол
топади.

Ўқув жараёнини матнли ўқитиши технологияси асоси-
да қуриш таълим фаолиятини касбий фаолият шакл вя
усулларига тобора яқинлаштиради ва аста секми мөхнат
фаолиятига ўтишни таъминлаайди.

Матнли ўқитиши ғояси "ишибилармон үйинлар"да"

(деловқе игрқ) ўз аксини топади. Барча ўйинлар каби иш билармон ўйинлари талабани муайян вазиятда маълум хитти-ҳаракатни амалга оширишни тақозо этади. Талаба ўқув жараёнида бўлсада, у амалиётга молик вазифаларни бажаради: таҳлил этади, маълумотларни танлайди, маълум вазият учун масалани қўяди, масалан, маълум ишлаб чиқартиш корхона ёки идора учун. Бундай ўқитиш шубҳасиз маҳсул дордир. У бўлғуси мутахассиснинг ижодий ривожланишини таъминлади.

В.Гузеев (Россия Федерацияси Умумий ва профессионал Таълим Вазирлигининг малака ошириш ва маорифходимларини профессионал қайта тайёрлаш Академияси) асосий таркибий қисмлари умуман олганда қўйидагилар хисоблангучи интеграл педагогик технологияни ишлаб чиқди:

-режалаштирилган таълим жараёни натижасини ҳар бир таълим соҳаси учун ташхислаш ва муолажали кўп боқсичли ўқув мақсадлари (ёки вазифа) кўринишида таҳдим этиш;

-таълим мазмуни бирлигига жамланадиган, кишини булаклардаги дарслардан ташкил топувчи таълим жараёнининг йирик қисми;

-ўқитишнинг муваффақиятли мониторинги асосида аник гурухларда изчил қурилган таълим жараёни: ҳар бир кейинги қадам аввалгисининг натижасига қараб лойиҳаланади;

-ўқитишни компьютерлар ёрдамида қўллаб-қувватлашва таълим жараёнини бошқариш [4].

Келтирилган мисоллардан келиб чиқадики, ўқитишга технологик ёндошувнинг кўринишлари кўп. Россия Федерациясида шу масалага алоқадор "Мақтаб технологиялари" деган янги педагогик журнал чоп этила бошланди. Буларнинг барчаси педагогик технологиянинг имкониятлари қан-

чалар аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Бу соҳадаги хорижий тажриб билан танишув Ўзбекистон педагоглари учун ўқитишга янгича ёндошишда анъаналар, таълим маданияти ва қўлга киритилган натижаларнинг ўзлаштирилиши ва кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этишга туртки булиб хизмат қилмоғи зарур.

Хозирги даврдаги долзарб педагогик тадқиқотлар йўналишлари [18]:

- уқув жараёнини янада такомиллаш фояси ва амалиёти;
- инсонпарвар педагогика, шу жумладан, назарий ва амалий тадбиқлар;
- педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги фоялари;
- ялпи ахборотлаш ва кенг алоқа воситаларига таянган технологиялар.

4. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАШ

4.1. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЎТКАЗИЛГАН ДАРС

Буюк Британия, Глазго шаҳри, Стардклайд университетининг халқаро лойиҳалари директори Ян Смитнинг маъruzаси.

Ян Смит - TACIC EDUZ-9602 "Халқ таълими вазирлиг" ва олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигига ўзбекистон таълим тизимини ислоҳотига кўмаклашиш" лойиҳасининг халқаро эксперти.

Ян Смитнинг "Илғор педагогик технологиялэр" мавзусидаги 8 апрел 1999 йилдаги Республика анжуманида қилган маъruzаси педагогик технология асосида ўтказилган

дарс намунасиdir. қуйнда унинг қисқа мазмуни келтирилди.

Жаноб вазир, ҳурматли ректорлар, яроректорлар ва меҳмонлар! Мен учун Узбекистонга келиш ва ТАСИС дастурида қатнашиш катта қониқиши касб этади "Илгор педагогик технологиялар" анжуманида иштирок этишга таълиф этганингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Вазирингиз ҳозиргина таъкидлаганидек, амъланавий педагогиканинг асосий қўриниши бир томонлана ҳикоя қилиниши, монологта асосланган Шу замдаги ҳолэт ҳам бунинг исботи, чунки мен 250 та тингловчи олдида бир ёқлама мулоқот-монолог уқимоқчиман. Келинглар, вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қўлламиш.

Тизимли педагогиканинг асосий белгиси ўрганилаётган курснинг РЕЖАЛАШТИРИЛИШИдир. Менинг маърузам учун ҳам мақсадни аниқлаб олишимиз зарур. Мисол қилиб икки кунга мўлжалланган ушбу анжуманинг мақсадини олиш мумкин - "Янги педагогик технологияни ўрганиш". Аниқланган мақсад билан бир қаторда, муайян вазифалер қўйилиши зарур.

Сизларга илтимос билан мурожаат қилишга рухсат беринг, ҳар бирингиз ушбу анжумандан кўзлашган мақсад ва ъязифаларингизни ўйлаб, ёзиб берсангиз.

Ушбу слайдга эътибор беринг, матинни ўқиб, хўялдиш бошланган фикрни якунланг.

I-слайд
Мек учун анжумандан кўзланган аниқ мақсад

(Ян Смит учта анжуман иштирокчисидан ўз ёзувини ўқиб беришларини суради. ўқиб эшилтирилган мақсад ва вазифалар педагогик технологияга ўқтиш ва айрим мисолларга багишланган эди).

Ўзимнинг биринчи вазифамни амалга оширишни тушунврли намойиш этиш учун сизлардан мақсад ва вазифаларни шакллантиришни илтимос қилдим. Британиядаги қатор университетларда шу жумладан, менинг университетимда янги педагогик технология асосида талабаларнинг ўзлари курснинг мақсад ва вазифаларини худди сизлар каби аниқлайдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, талабалар нафақат маъруза, балки бутун дарс учун мақсад ва вазифаларни аниқлайдилар.

Кейинги вазифа сифатида ўқитиш самарадорлигининг соддалаштирилган кўринишни намойиш этаман.

2-слайд

Таълим самарадорлиги:

Маърузаларда	5 %
Ўқиша	10 %
Мунозара	50 %
амалий машгулотда	75 %
талабалар бир-бирини ўқитганда	95 % бўлади

Жаҳвалдан кўриниб турибдикни, маъруза ва ўқиш воситасидан фойдаланиб анжуманда айтилганларнинг кам қисмини ёдда сўнглаб қолиш мумкин. Худди шунингдек, дунёнинг кўп мамлакатлари университетларида маъруза ва ўқишдан асосий усул сифатида фойдаланилади. Бизнинг ва сизнинг университетларингиз ўқитувчилари энг самарали услубларидан фойдаланишга интиладилар, лекин мен сиз-

ларга құйнадыларни таклиф қиласман - әңг асоснйиси анъанавий усуллар билан мунозара, амалий машғулот ва “тақдимот” (талабаларнинг ўзлари дарс ўтишлари) ни мувозанатли биргаликда олиб бориш.

Сиз билан бізңінг мuloқotimizдан тирик мисол келтиришим мүмкін, маъруза давомида 250 иштирокчилардан күпроқ әңг күп сабоқни мен ўзим оламан, чунки ўзгаларни ўқитиш билим олишнинг әңг яхши усулидир. ўқувчиларга бошқаларни ўқитиш имконнин беріб, уларнинг билимларни оширган бұламыз.

Мен таъқидламоқчи бўлган яна бир омил - бу талабаларни билим ўзлаштириш қуроли сифатида мунозарани кенг ҳўллаш: бу - гурухда жамоа бўлиб ишлаш, ғояларни муҳокамаси натижасида ўз фикрнин ифодалаш, ва натижада мавзунни ўзлаштиришни енгиллаштириш.

Шундай қилиб, биз құйнады хуносага келдик:

3-слайд

ўқитиш кетма-кетлиги

1. Ўқувчилар курсни режалаштирадилар.
2. Ўқувчилар режалаштирилган курс бўйича ўқийдилар.
3. Ўқувчилар муҳокама ўтказадилар.

Шундай қилиб ўзлаштириш даражаси ортади.

Университетлар талабаларни мустақиллигини ривожлантиришда кўмаклашуви зарур:

- 1) таълим мақсадини қўйиншга ҳуқуқ бериш;
- 2) уқувчилар ўқитиш услубиётини амалга оширишда фаол қатнашишлари шарт;
- 3) ўқувчилар мавзуларни муҳокама этиб бирг-бираига ёрдам беришлари шарт;
- 4) ўқувчилар ўз билимлари билан фаол ўртоқлашуви шарт

мустақиллик масъулиятни талаб қилади !

Қандай қылыш ушбу ёндошувларни янги педагогик технологияга жорий этиш мүмкін. Мен қуйидагича маслаҳат бераман:

4-слайд

1. Кичигидан бошланг. Эңг үнғай ва осон амалга оширилдігіндерден бошланғ, фақат күнгилли ва ишлешни яхши күрадиган педагогларни жалб қилинг. Барчани ва күп көрсөн бирдәнінде үзгартырышта интилманғ.
2. Амалй машғулотлар үтказинг. Маърузасыз иш юритиш күйин, лекин охирғи паллада күпроқ амалй машғулот үтказиш зарур.
3. Талабаларда хоҳиш пайдо қилингша әътибор беринг ("қамчи ва ширин нон" усулидан фойдаланинг).

Ушбу гоялар Британия педагогикаси ва менинг Поместон ва Ботсваниядаги лойиҳаларда ишлаш тажрибалаудында асосланған. Аммо үзбекистон университетлари, сиздеги университеттердің шу бопс қандай ишлашни үзләренгиз ҳал этасылар. Таълим жараөни үқувчилар ва таълим берувчиларда қувонч ва роҳатбахш түйғу келтириши зарур. Нейнинг 30 дақиқалық мулоқотимда мен жуда роҳатландым. Үмид қнламан, сизларда ҳам шундай түйғу бор.

Семинар иштирокчилари: Худди шундай !

1 - савол: Зарурий технология асосида үтказилған айрим маърузалар 2-слайдда күрсатылған маълумотлардан күра самаралироқми?

Жавоб: Ҳа. Слайдда келтирілған, таҳминан ҳисоблан-

ган уртача миқдорларга кўра маърузалар юқоряроқ натижага олиб келиши мумкин. Лекин булар ҳам таълимни маърузага ўта боғлиқларини ва кулидаги услублардан фойдаланишни инкор этмайди:

- Қисқа маърузалар (ўқитувчи ҳикояси) - 15-20 дәнгир;
- маълумотлар иўналишини ўзгартириш, хишни борча сезгиларини жалб қилиш;
- ўкув қўлланмаларидан парчалар ўтиб берниш;
- гурӯх бўлиб муҳокама қилиш;
- талабанинг кичик дарслари;
- эҳтиросли рағбатлантириш;
- яхши тизимига солинган ўкув воситалеридан фойдаланиш;
- талабалар саволларини рағбатлантириш ва узвони гуруҳда муҳокама этиш;
- илгарига йўналтирилган дарсларда талабалар оддига ширхол жавоб топа олмайдиган саволлар кўйини;
- талабаларининг ўкув жараёнини раҳжаломтиришда шитироки.

2 - савол: Вазирлик ишлаб чиқсан таълим стандартларига услубиётни ўзгариши таъсир этадими?

Жавоб (Вазирнинг биринчи урибосари): Йўқ таълим стандартларин да с бериш услубиётини шалоҳотни рағбатлантиради ва унга кўмак беради.

3-савол: "Янги педагогика" билан анъанавий дарс бошлих ҳаражатларини тақдослаиг.

Жавоб: Айрим одамлар "Янги педагогики технология" - бу ахборот ва алоқа воситаларини кенг қуллаш" деб туширудилар. Маълумки, бу жуда қимматга тушади. Мен эса "янги педагогик технология" деганида талабаларга иустаслиқ бериншини тушунаман (талабаларрга бўнадай икониятни

бериш кетте даражат талаб этмайди, бу факат талабаларни ўзларидз митияниш пайдо қилишга ва педагогик меҳнат са-марасини кўтаришга себеб бўлади).

4.2. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН УСЛУБИЙ ИШЛАНМА (ПАРЧА)

Таълими олувчилар - магистрлар
Ўкув машгудоти - ПЕДАГОГИК ТЕСТЛАРНИНГ ИЛ-
МИЙ

АСОСЛАРИ

Мавзуу - ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ШАКЛЛА-
РИ

Вақт - 2 соат

Мисал (ўхитумчи умуз) - талабаларни кенг қуллани-
ладиган тўрт шаклдаги тест вазифаларини тузишга ўргатиш
ва бошқа шакллар ҳақида маълумотлар бериш; дарс давоми-
да талабада ўзламтиришга хоҳиш ва фаолликни пайдо қи-
лиш, унда ўзлар мавзусини идроқ этишига эриниши, талаба
сезимларига тъясир этиш (қизиқиши уйғотиш, қониқиши ҳосил
килиш ва бошқалар).

Талабалар вазифаси - жадвалда келтирилган.

Асосий ўкув масалалари :

1. Очиқ тест визифларин (15 дақиқа)
2. Ёлиқ тест визифларин (35 дақиқа)
3. Мос келинликини аниқлаштира визифа (15 дақиқа)
4. Тўри нетма-кетмикич аниқлаштира визифа (15 дақиқа)
4. Тест визифларининг бошқи шакллари (10 дақиқа)

<i>Талабалар вазифаси (таққосланувчи үқнв мақсадлари)</i>	<i>Назорат ишлари</i>
<p>1. Очиқ тест вазифалари таърифини шаклга солади. Тарбиявий омил: мавзуга киришиб кетали (ўқн-түв-чини рағбатловчи ҳаракати итижасида)</p>	<p>Очиқ тест вазифасига таъриф беринг. Тұгри жавоб намунасы: "Тәліч сұз (ёки сұзлар) тушириб қолдирилған қа тұгри жавоб тақлиф қылымайдыган тест вазифаси очиқ дейиллади". Бошқча шакла бериш мүмкін: "Очиқ тест вазифаси, синалувчига ихтиёрий жа- воб беришга имкон беради". У таянч сұз (ёки бир неча сұз) тушириб қол- дирилған гапдан иборат.</p>
<p>2. Очиқ тест вазифалари түзиш қондала- ринч тушунтириб беради. Тарбиявий омил: талабалар жавобларни мұхқамасында иш-тирок этилди</p>	<p>Оғзаки назорат ишлари: очиқ тест вазифаларини түзиш қондаларапарни гапни- риб беринг, масалан:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Одатда ҳар бир вазифада фәқат битта мазмұнлы тұлдериш бўлиши шарт (бир ёки бир неча сўздан). 2. Энг аҳамиятли тұлдериш зарур (та- янч атама, уни ҳамма билишин шарт) 3. Тұлдирниш (тушириб қолдириш)ни яхшиси гап охирида қўйинг 4. Реж-лаштырилған тұгри жавоб узил-кесил бўлиши, бошқа мулоҳазага йўл қўйилмаслиги зарур.
<p>3. Очиқ тест вазифаларига мисоллар келтирилди. Тарбиявий омил:</p> <ul style="list-style-type: none"> • жамоа булиб иш- лашга иштегиди. 	<p>Илгари ўрганилған мавзулардан учта очиқ тест вазифасини тузади. "Тест вазифаларига дидактик талаблар" (ўқитувчи билан ҳамкорликда тузил- ган намунага кичик жамоада ишлаш). "Тест вазифасини ечтешга сарфланған</p>

**КИЧИК ЖАМОАГА ҚҰШГАН
ХИССАСЫН ҚОМИКШИ
ДОСТАУЫЛДЫ**

БАЛТ ДАҚИҚАДАН ОШМАСЛИГИ
ШАРТ". Тұғри жавоб - иккі.

Юқоридаги кабін қолған саболларни ҳам үқитиш режалаштирилді.

4.3. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ҮЗЛАШТИРИШГА ТИЗИМИЙ ЕҢДАШУВ

Маълумки, педагогикадаги янгиликлар иқтисодиет соҳаларидаги каби ихтиrolардан тез олинадиган фойда бермайды. Таълим жараёндаги ижобий самара маълум муддатдан сұнг тайёрланған мутахассислар ишлайдиган соҳаларда чамоён бўлади. Шу боис, педагогик технологияни кенг кўллаш ташкилий жихатдан тизимили олиб борилиши зарур. Шу ўринда, яна таъкидлаймизки, асосчий омил - педагогни тайёрлаштирдир.

Илгор педагогик технологияни үзлаштириш ва қўллаш бобида республика олий ўқув юртларида ўтказилган фаолият тажрибаларига асосланиб қўйидаги тавсияларни келтириш мумкин:

- олий ўқув юрти илмий кенгашларида педагогик технологияни қўллашга қартилған тажрибалар режасини муҳокама қилиб, тасдиқлаш ва уни амалга ошириш;
- профессор-ўқитувчиларни ўқув адабиётлари ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш;
- “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида педагогик технологияларни үзлаштириш” мавзусида кириш маъruzасини профессор-ўқитувчилар учун ўтказиш;
- Олий ўқув юрти раҳбарлари - факультет деканлари, кафедра мудирларини мақсадли “педагогик технологиялар”га бағишлиланған 8-12 соатлик курсларда үқитиш;

- етакчи услубиётчилардан (хар бир кафедралык биттадан) 36-саатлык дастур асосында маслаҳатчи тағлорлаш;
- педагогик технологиянын профессор-үйнүүчилар томонидан мавжуд адабиётлардан фойдаланыб мустақил (маслаҳатчи педагоглар ёрдамида) ўрганилиши;
- олй үкув юртларида "Илор педагогик технологиялар" буйича наимий-амалий семинар үтказиш;
- педагогик технологиянын үзлэштирүүгө ва кеңг күлләгө кафедра, факультет ва айрым педагоглар учун мэлькавин ыа моддий рагбатлантириш чөрөларини күрүш;
- маслаҳатчи педагоглар, ташаббускорлар томонидан педагогик технология асосында үтказыладычын даңысларни методик таъминотини иштәб чыкылышы;
- битта талабалар гурухыда педагогик технологияны күллаш буйича кафедралар тайёолиги мониторингини үтказыш;
- тажриба ва оддий гурухлардаги таълим натижаларини қиёсний таҳлили;
- тажрибалар натижасыни мұхокема қилиш ыа истиқбол вазифаларни иниқлаш.

НАЗОРАТ ТОПШИРИКЛАРИ

1. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛО- ГИЯНИ ҚРЛ- ЛАШДАГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ НАРСА

- A. Энг яхши педагогларнинг муваф-
фықитли феодиятига эргашиш
- B. Компьютер ва техник воситаларни
исең күнжаш
- D. Тэълимминг аниқ мақсадларини
белгилаш
- E. Педагогнинг шахсий маҳоратини
ошибриш

2. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛО- ГИЯНИ ҚРЛ- ЛАШДА ВИ- РИНЧИ НА- ВВАТДАГИ НАРСА

- A. Аудиторияни компьютер ва техник
воситалар билан жиҳозлаш
- B. ўкув режа ва дастурларни қайта
тусиз
- D. Янги ўкув ҳўлланмалар билан
тъанишлеш
- E. Педагогларнинг технологик ёнда-
шувни ғуллазтириш

3. ТАККОС- ЛАНУВЧИ ЎК- УВ МАҚ- САДЛАРИНИ (ВАЗИФА ЧА- РИНИ) АНИҚ- ЛАШДАГИ АСОСИЙ НАР- СА

- A. Натижаларни талабалар хатти-
харекати билан ифодалаш
- B. ўкув мавзуларини қатъий танлаш
- D. Педагог фаолиятини аниқ режа-
лемитириш
- E. Дарс ўтиш услубиётини таърифлаш

ТўҒРИ ЖАВОБЛАР:

1 - Д. 2 - Е, 3 - А

5. ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ МУҚОБИЛИ

- Инвариант тест топшириқлари
- Тест топшириғининг грамматик инвариантни

Тест топшириғининг мантиқий инвариантни

Тест
Топшириқларининг типологияси

Тест
Топшириқларининг модели

Бунинг асосида дунёнинг кўп мамлакатларинда кенг кўлланилаётган технологик ёндошув ётади ва унга нафақат назорат қуроли, балки билимни шакллантириш ва мустаҳкамлашда фойдаланиладиган инвариантли тестлар қўшилған.

Инвариант тест топшириқлари анъанавий тест топшириқларининг параллел тестлар билан бъязи ўхшашлиги ҳамда фарқлари бўлган янги турнидир. Ўқув жараённада инвариант тестлар нафақат билимларни назорат қилиншда, балки ўчучиларнинг таълим жараённадаги тренингги учун ҳам баҳо қўймасдан кўлланилниши мумкин.

Мазкур бўлимни ўқиб чиққанингиздан сўнг сиз тестларининг бу тури ҳақидаги қисқача маълумотни оласиз ва чап устунда келтирилган атамаларнинг мазмунни билан танишасиз.

Унинг ўзига хос ҳусусияти тест вазифаларини ишлаб чиқиш ва мақсадга эришишда зарур бўладиган керакли қўшимча воситаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишдир. Бу-

ларни ўрганиб чиқиш учун мұқобилли ва ўкшаш амалиёт ва билемні мустаҳкамлашнинг табақалартирилган қоидаларига қайтамиз (3.4-бўлимга қаранг).

Мұқобилли амалиёт қоидаси педагогнинг фаолиятига йўналтирилган. У қоида педагогдан ўқув жараёнини ҳамма ўқувчиларнин: режалаштирилган ўқув натижаларга кафолатланган ҳолда эришишни талаоб қи ади.

Бунинг учун педагог ўқув мақсадларыга тұла мос келувчи мавзуларни пухта танлаб олиши зарур. Гап шундаки, ҳар бир фан соҳалари бўйича ҳозирги кунгача катта ҳажмдаги илмий маълумотлар заҳираси ҳосил қилинган. Педагогнинг маълум бир мавзу учун мумкин қадар кўпроқ илмий ахборотларнин киритиши талабаларнинг билемлари..и самарасиз, юзаки қабул қилишга олиб келади. Шу боис ҳар бир мавзу бўйича ўқув мақсадига мос келувчи таңч ўқув саволини аниклаш ва диққат марказини ана шу сағолини ҳал этишга қаратиш зарур. Шу ўринда Рочестер технологик институти (АҚШ)нинг ўзбекистонлик талабаси Н.Лутфуллаевнинг "Народное слово" газетасида 1998 йыл 21 августда эълон қилган "Г’лаба АҚШ да ҳам талаба" номли мақоласини эслатмоқчи эдик. Унда мул.иф "...аудитор я дарслариде ўқитувчилар фәқат таян сабояларни тушунтирадилар. Унда асосий оғибор ичтиҳонларда сөрилалиган саволларга қаратилган булди" деб скази Ҳундан келиб чиқдик, Америкалик профессорлар мұқобил амалиёт қоидалари талабларига риоя қиласидилар.

Бу талабларни амалда бажариш учун ўқитувчининг иктиёрида тренинг машгулот ўтказиш ва ўқув мавзусини мустаҳкамлаш восьиталаририга эта булиши фойдалы була. Чематтика, физика, химия фанларидеги бундан восьиталар сурокномалар, масалалар тунгамлариде бўрилган, болса да фанлардан ҳам назорат ўз-узини текширишга жўлжаллан-

ган саволлар мавжуд.

Аниқланишича, бир хил ўқув саволи бўйича анъанавий сўровлар ва тест саволлари тақлиф этилса, ўқувчилар кўп ҳолларда тест саволига иштиёқ билдиришди. Бунинг сабаби тест саволлари учун жавоблар тақлиф этилиши ва уларнинг ичида албатта тўғри жавоб борлиги ўқувчидан ўқувчига топқирлик ҳиссини уйғотади. Шунингдек, тест саволлари топишмок ва ўйинга ухашаш бўлганлиги боис, нафақат хотира, балки ички сезги ва мулоқотни ривожлантиради. Тест саволларининг ўқувчиларда мустақиллик ва ишланиши ривожлантириши тажрибаларда тасдиқланган.

Ухашаш амалиёт қоидаси ўқувчига йўналтирилган бўлиб, ундан ўқиб ўрганаётган саволлари юзасидан мунтазам равиша шуғулланиб боришни тақозо этади.

Маълумки, мунтазам равиша шуғулланиш имкониятига эга бўлган спортчигина яхши натижаларга эриша олади. Сузувчи сузиш ховзэсига, тенисчи корт майдончасига, гимнастикачи снарядларга эга бўлмоқларни шарт. Талаба ҳам мунтазам шуғулланиш воситалорига эга бўлмоғи керак, у воситаларнинг ўзида талабани руҳлантирувчи-рағбатлантирувчи жиҳатлар бўлсин.

Билимни ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг асосий тамойили ўқитишнинг ҳар би қадамида ўз умлаштирилгандарни куп маротаба ҳар хил алоқалар ва муносабатларда иложи борича мураккаблиги тобора ортиб борувчи мисоллар асосида тақрорлашни талаб этади.

Ўзекистонда тенг қийматли (эквивалент) ва ухашаш амалиёти қоидала; 1 ва билимларни (муттасил) ҳар томонлама мустаҳкамлаш тамойилларни амалга оширишини таъминловчи тест воситаларини ишлаб чиқиш назарияси ва услубияти яратилган [17].

Эслатиб ўтилгенидек, педагогик технологиянинг асо-

сий қоидаси - үқитишини ҳаракатлар орқали амалга оширилишидир. Талабаларниң үзүв ахборотини нафақат билиб олишлари ва эсда сақлаб қолишағанни, балки билиш жараённанда фаол иштирок этишларини қандай қилиб ғылыминаш мүмкін?

К.Г.Маркварднинг фикрича, "үқитиши ғаврининг босидан охиригача навбатдаги "түсиқни" енгиб, мақсадга әришиш учун барча күч ва имкониятларни тұплашса қартилган фикрлар ва тафаккур машқлары үтказилиб бориши зарур. Ана шундай фаолият давомида ижодкор шахс шаклланади." [10].

Талабаларниң билим әгалаш жүйелідеги бундай "түсиқлар" сифатида инвариантлы тест топшириқлари ға тестлардан фойдаланиш мүмкін.

Ушбу мулоҳазада "инвариантлилік" түшүнчеси үкүв мавзусининг қисынни үрганиш мақсадига нисбатан қаралған. "Іасвирнинг ..инвариантлилігі" деганда унинг ташкил туғычи шаклларининг түрли бўлишидан қатъий назар ўзгармасдан қолиши тушунилиши маълум... Машҳур назариётчи физик Е.Вигнернинг таъкидлашича, "инвариантлилік тағойили ходисалар орасидаги зниқланган муносабатлар асосида янги муносабатларни үрнатиш имконини беради"[9].

"Инъариантлы тест вазифаси" - инъариантлы тест вазифалари назариясининг таянч атамасидир [17]. Айнан бир үкүв мавзусини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга бўналтирилган түрли куринишдаги "инвариантлы тест вазифалари" түшүнчесини киритдик. Аслида, "муайян үқуз мавзусини ўзлаштириш мақсадига нисбатан инъариант бўлган тест топшириқлари" деб аталиши анироқ бўлар эди, лекин исқа ифода учун "инвариантлы тест вазифаси" каби учбозли атама қабул қилинди. Инвариантлик тест вазифалари тарбияридан суз ишлатишнинг түрли шакллари, морфологик,

интактик, семантик белгилари билан фарқлансада, доимо -уў мавзусини ўзлаштириш ва ўқув мақсадига эришган кчи назорат этувчи умумий андозага (моделга) эга була-

Инвариант тест назарияси қўйидагиларни ўз ичига яди:

-ўқув мавзусини тест вазифаларига айлантиришнинг азмунига қўйиладиган ўзига хос дидактик талаблар;

-бир хил ўқув мавзусининг мазмуни, алоқалари ва муносабатларини ўзлаштириш назоратининг дастурлаштирилган шаклини акс эттирган тест вазифалари моделлари Улар тест вазифаларини тузишда маълумот манбан вазифасини утайди;

-инвариант тестлар ишлаб чиқиш учун маълумотлар заҳираси булиб хизмат қилувчи янги турдош тест вазифали. Улар 22 та ташкилий асосга ва 137 турдош ҳиссиятларга эга;

-умумий мазмунни сақлаб қолған ҳолда ўзаро фарқланувчи талқинни ифодаловчи тест вазифаларини шакллантириш услубиёти (грамматик ва мантиқий инвариантлар). Улар турли алоқа ва муносабатлар орқали ўқув мавзусини ўзлаштириш даражасини назорат қилиш исконини беради;

-алгоритмлаш ва компютерлаш имконини берувчи инвариант тест вазифаларини яратишнинг бошқа усуллари.

Ўзбекистоннинг муаллифлик хукуқини төслиқлаш мақсадида ишлаб чиқилган назария Давлат илмий-техник ахборотлар фондида 1996 йили №№ 2517-2520 рагамлар билан депонент руйхатига олинган.

Инвариант тест топшриқларини педагогик техннологияси доирасида қўйлашининг самарадорлигини текшириш учун аспирант Ф. Жумябоев томонидан Аудијон мухандислик-иқтисодиёт институтининг Ўр усту тозниторти тизими

кафедрасида тажриба ўтказилди [6].

11-расм. А, В, С, Д, Е тестларида 1, 2, 3, 4, 5 инвариант тест тошириқдари бўлгам "Ишончилик назарияси ва уларнинг тақсимот қонунлари" мавзуларининг талабалар томонидан ўзлаштирилиш ўзгариши

Узбу максадда "Автомобилинг ишончлилик назарияси ва ташхислаш асослари" фанинг қийни ўзлаштириладиган "Бузилишлар ва уларнинг тақсимот қонунлари" мавзуси танланади.

1995-96, 1996-97 ва 1997-98 ўкув йилларидаги рейтинг-назорат натижалари тадлили талабалар томонидан айна мана шу мавзуми ўзлаштириш коэффициентлари пастлигини кўрсатди.

Танлаб олишган мавзунинг беш тадиҷ ўкув саволи бўйича бешта инвариант тест ызифаларни тузилди. Тъълим олувчилярнинг машҳи учун тўртта А, В, С, Д инвариант тестлари бўйи 1а дарс ўтилизиди. "Ишончлилик назарияси асослари" мавзусининг бирничи қисмни ўтиб бўлишганидан сўнг бешинчи Е нусханинг қўллаб тест ўтказилди (11-расм).

Чизма тасвиридан кўринниб турганидек, А назорат ишидан В, С, Д тестлари орқали Е тестига ўтилганида ўзлаштирилиш сезнларни даражада ўсади ва у фонзлар бўйича қуйидагича: А-49%, В-56%, С-58%, Д-74% ва Е-79%. Шундай қўлиб, педагогик технология доирасида инвариант педагогик тестларни қўлланишин хисобига яхши натижаларни қўлга киритиш имконияти бор экан.

Ўқун жарабенида талебалар томонидан ўзлаштирилиши қийни кечадиган мавзулардан бирни ҳибллангани ушбу мав. у Андижон мұхандислик мектесида институтиниши "Ер

усти транспорт воситалари тизими" кафедраси үқитувчиларининг фикрича, олинган натижалар анъанавий ўқув жараёнида талабалар ўзлаштиришлари қийин бўлган мавзулардан бирини ўзлаштириш сифати ўсганлигини тасдиқлайди. Шуни таъкидлаймизки, бунга қўшимча вақт, молиявий ва моддий воситалар сарфламасдан эришилди.

Фикримизча, педагогик технологиянинг ушбу инвариант шакли республика олий ўқув юртларида татбиқ қилиш учун истиқболли ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997.
2. Беспалко Б. П. Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989.
3. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. М.: Прогресс, 1987.
4. Гузеев В. От методик - к образовательной технологии. // Народное образование. 1998, №5.
5. Дахин А. Н. Педагогический мониторинг: концепция и применение. // Школы технологии, 1997, № 3.
6. Джумабаева Ф. А. Повышение качества обучения и объективности оценки знаний студентов на основе инвариантных тестов. // Автореф. дис. на соиск. уч. ст. канд. пед. наук. Ташкент, 1999.
7. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание, 1989.
8. Кларин М. В. Метафоры и ценностные ориентации педагогического сознания. // Педагогика, 1998, № 1.
9. Кондаков Н. И. Логический словарь-справочник. М.: Наука, 1975.
10. Маркварт К. Развивающая система подготовки специалистов. М.: Знание, 1981.
11. Назарова Т. С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. // Педагогика. 1997, №3.
12. Никандров Н. Д. Программированное обучение и идеи кибернетики. (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука, 1970.
13. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов. Ташкентский Технический Офис Тасис Составители. Ян Смит, Борис Фарберман. 1999.
14. Гластенин В. Доминанта деятельности. // Педагогика.

1997, №9.

15. Селевко Г. Взгляд на проблему. // Педагогика. 1997, №9.

16. Томас К. и др. Перспективы программируемого обучения. Пер. с англ. М. : Мир, 1966.

17. Фарберман Б. Л. Основы теории инвариантных тестовых заданий. // Таълим музиммалари, илмий-услубий ютуқшарва илгор тажрибалар. 1997, №3-8.

18. Подласый И.П. Педагогика. - М.: Владос, 1999. 2-шилд. К-573б., КК-255 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1. Тарихга назар	10
2. Таълими таучилларни ёндашув	15
3. Педагогик технология	27
3.1. Таълимга технологик ёндашув шакли	29
3.2. Мақсадлар каталоги ва мақсадларни ишлаб чиқиш	33
3.3. Тарбияга технологик ёндашув	59
3.4. Ўқув ва тарбиявий мақсадларни изобрет (тест)	74
топшириклиарига айлантириш	
3.5. Ўқув ва тарбиявий мақсадларига эрназиш усуулари	104
3.6. Ўқув мақсадларига эрназганиликни бахолаш	110
3.7. Узлаштиришнинг маҳсуллор ва изланувчилик дарожаларига мўлчалланган педагогик технология	120
4. Педагогик технологияни қўллаш	125
4.1. Педагогик технология асосида ўтказилган дарс	125
4.2. Амалий машгулот учун услубий ишланма (парча)	131
4.3. Педагогик технологияни узлаштиришга тизимиш ёндашув	133
5. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган педагогик технологиянинг муқобили	136
Фойдаланилган адабиётлар	143

Тахрирчи С.И. Муминова
Техникавий тахрир - Р.Г.Мусина

Сдано в набор 12.04.2000. Подписано к печати
18.04.2000. Формат

Усл. печ. л. 6,5. Уч.-изд. л. 7,0. Тираж Заказ
Цена договорная.

Издательство "Фан" АН РУз: 700047. Ташкент, ул.
акад. Я. Гулямова, 70.

Типография Изд-ва "Фан" АН РУз: Ташкент, ул.
акад. Х. Абдуллаева, 70.